



8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

ШУ КУНЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМOKPATИК ПАРТИЯСИ ТАШКИЛОТЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ХУДУДЛАРИДА КОНСТИТУЦИЯМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАННИНГ 23 ЙИЛЛИК БАЙРАМИНИ МУНОСИБ НИШОНЛАШ МАҚСАДИДА ТУРЛИ ТАДБИРЛАР, УЧРАШУВ ВА ДАВРА СУХБАТЛАРИ ЎТКАЗМОҚДА.

МАЗКУР ТАДБИРЛАРДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИДАГИ ПАРТИЯ ФРАКЦИЯЛАРИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДАГИ ГУРУҲЛАРИ АЪЗОЛАРИ, ВИЛОЯТЛАР, ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИ МУТАСАДДИЛАРИ, ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ, ТАЛАБА ЁШЛАР ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШМОҚДА. БОШ ҚОМУСИМИЗ, УНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ, МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА ФИКР АЛМАШИЛМОҚДА.



Санжар ШОТЎЛАНОВ олган суратлар.

КОНСТИТУЦИЯ — БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

УСТУВОР ҲУҚУҚЛАРИМИЗ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Ўткир ЁРМАТОВ,

«Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси ўринбосари:

— Асосий қонунимизда вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида экани 45-модда асосида мустаҳкамлаб қўйилган. Бу меъёр жамиятда ижтимоий барқарорлик, жисмоний имконияти чекланган, ҳимояга муҳтож фуқаролар манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бунинг яққол тасдиғини «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижроси мисолида ҳам кўрсак бўлади. Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 9 ойлик якунларига эътибор қаратадиган бўлсак, ўтган давр мобайнида Давлат дастури ижросини таъминлашга 2 триллион сўмдан кўпроқ маблағ йўналтирилганлигининг гувоҳи бўламиз. Мана шу рақам ҳам бу йўналишда олиб борилаётган ишларнинг қўламини кўрсатиб турибди.

Давлатимиз аҳолининг ижтимоий мададга муҳтож қисмини ҳимоя қилишни кафолатлайди. Бу иш ҳақи ва пенсияларнинг энг оз миқдорлари белгиланиши, ҳар бир инсоннинг ҳаёт учун зарур энг муҳим маҳсулотлар билан тегишли миқдорда таъминланишида намоён бўлмоқда. Бу саяё-ҳаракатлар эса жамиятда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳамжихатлик муҳитини янада мустаҳкамлашда долзарб аҳамият касб этаётди.

Ойўла АБДУРАИМОВА,

Ўзбекистон ХДП «Истикбол» ёшлар қаноти Самарқанд вилоят бўлими етакчиси:

— Конституцияимизнинг саккизинчи бобида фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари белгилаб берилган. Хусусан, 34-моддада Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюлиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Бош қонунимизда белгиланган мазкур меъёр асосида бугун қўллаб ёшлар сиёсий партиялар фаолиятида иштирок этмоқда. Ҳозирда Самарқанд вилоятида тўрт минг нафардан ортиқ йигит-қиз Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси ҳисобланади. Партияимиз томонидан ўқатилган ижтимоий-сиёсий, маъданий тадбирларда ёшлар фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон ХДПнинг Сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, партия қўлағидан келиб чиққан ҳолда, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўз ташаббуси ва тақдирларини билан қатнашмоқда. Бу ҳам, энг аввало, Конституциянинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб турибди.

Акрам ҲОШИМОВ,

Республика уйғур миллий-маданий маркази раҳбари:

— Конституцияимизнинг 18-моддасида Ўзбекистон Республикаси барча фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар, деган норма мустаҳкамланган. Мазкур меъёр асосида мамлакатимизда барча миллат ва элатларнинг тинч-тотув ва ҳамжихатликда ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароит яратилган.

Бугун юртимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек, тенг ҳуқуқлилик ҳамда ўзаро ҳамжихатлик шароитида яшаб, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бунинг билан Республика уйғур миллий-маданий маркази фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Бугунги кунда марказ Ўзбекистонда яшовчи уйғур миллатига мансуб фуқароларнинг миллий-маданий эhtiёжларини қондириш, тил, урф-одат, анъана ва таомилларини ўрганиш, сақлаб қолиш ва ривожлантириш борасида фаол иш олиб бормоқда. Бунда Конституцияимиз ва унинг асосида қабул қилинган қонун ҳужжатлари муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

ЎЗХДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН

Сессияда муҳим масала кўриб чиқилди

Бозори обод элнинг дастурхони файзли, турмуши фаровон бўлади. Бундан ўн беш, йигирма йил аввалги бозорларимиздаги шароит билан ҳозирги бозорлар, замонавий савдо мажмуалари ўртасида ер билан осмонча фарқ бор, албатта. Бугун харидорлар учун ҳам, сотувчилар учун ҳам ҳар томонлама қулай шароитлар яратилган.

► Давоми 2-бетда.

Жорий йилнинг 9 ойида халқ депутатлари Наманган вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎЗХДП гуруҳларида 36 масала, доимий комиссияларда 11 масала кўриб чиқилди. 3 масала сессияга киритилди.

ЎЗХДП Сирдарё вилоят ҳудудий кенгашларидаги Жамоатчилик қабулхоналарига фуқаролардан 475 мурожаат бўлган. Уларда кўтарилган масалаларнинг 80 фоизга яқини ўз ечимини топди. Қолганлари назоратга олинди.

ТАДБИР

ҲАР КИМ БИЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА

Навоий Давлат педагогика институтида «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари ижодий ходимлари иштирокида Конституцияимиз қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тадбир ўтказилди. Унда профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этди.

Учрашувни институт ректори, педагогика фанлари доктори, профессор Холбой Ибраимов очаркан, мамлакатимиз Конституциясининг ўзига хос жиҳатлари, инсонпарварлик ғоялари ҳақида тўхталди. Шунингдек, у Бош қонунимизда ёшларнинг билим олиш ҳуқуқи кафолатлангани, унинг амалдаги ифодасини Навоий педагогика институти мисолида ҳам яққол кўриш мумкинлигини таъкидлади.

► Давоми 4-бетда.



Ахсавли ТУМИШОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракцияси аъзоси:

— Парламентимизда муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари, депутатлар ва фракцияимиз тақлифлари, ташаббуслари ҳақида тезкор ҳамда таҳлилий ахборот олишни истасангиз, «Ўзбекистон овози»ни ўқиб боринг, унга обуна бўлинг.

Обуна индекси — 220

БУГУН ХАЛҚАРО НОГИРОНЛАР КУНИ


БАҒРИ БУТУН ОДАМЛАР

Ўзбекистон ХДП фаоллари пойтахтимиздаги имконияти чекланган инсонларнинг бир гуруҳи ҳолидан хабар олишди

— Ўтган ҳафта менга судьялик гувоҳномаси топширилди. Эндиликда ҳакамлик суди судьяси сифатида ҳам фаолият олиб бораман, — дейди Ўзбекистон ногиронлар жамияти раиси ўринбосари Ойбек ИСОҚОВ. — Бу менга ҳам фахр, ҳам катта масъулият юклайди. Шу даражага эришишимда, аввало, пойтахтимиздаги 100-сонли махсус мактаб-интернат ўқитувчиларидан миннатдорман. Мактабни тамомлаб, ҳуқуқшунослик соҳасида ўқидим. Ўтган йилларда бир қанча шоғирлар тайёрладим. Ойлалиман, 3 нафар фарзандим бор. Уларнинг ҳаммаси ўқиб-ўрганишга, дунёни билишга қизиқади. Ҳаётимдан мамнунман.

► Давоми 3-бетда.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:



ЗИММАМИЗДА УЛКАН МАСЪУЛИЯТ ТУРИБДИ



«Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танловининг минтақавий босқичлари якунига етди



■ **ФАРФОНА, НАМАНГАН, САМАРҚАНД**
ВИЛОЯТЛАРИДАГИ ЖАМОАТЧИЛИК
ҚАБУЛХОНАЛАРИГА ТУШГАН МУРОЖААТЛАРНИНГ
КЎПИНИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, ИШГА ЖОЙЛАШИШ,
КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ БИЛАН
БОҒЛИК MASALALAR TAШKIL KИЛАДИ.

ТАДБИР



ХАР КИМ БИЛИМ ОЛИШ ХУҚУҚИГА ЭГА

■ ДАРҲАҚИҚАТ, ИНСТИТУТ ҲОВЛИСИГА КИРИШИНГИЗ БИЛАН ОЗОДАЛИК ВА КЎРКАМЛИКНИ КЎРИБ, КЎЗИНГИЗ ЯЙРАЙДИ. БУ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИНИНГ 8 ФАКУЛЬТЕТИДА 19 ЙЎНАЛИШ БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛанади.

Талабалар чуқур билим олиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Аудиториялар замонавий компьютер ва бошқа техник воситалар билан жиҳозланган. Ахборот-ресурс марказида эса нафақат мамлакатимиз, балки дунёдаги исталган ангиллик ёки муҳим маълумотни ўзбек, рус, инглиз ва бошқа тилларда топиб ўқиш мумкин. Бу ерда республика ва вилоятнинг асосий нашрларига обунанамунали

лан ўқиймиз. Шу боис бу газетга ҳар йили кўп нусхада обунанамунали, навбатдаги йилга ҳам обунани уюшқоқлик билан ўтказаямиз. Институт тарих факультети «Миллий истиклол ғояси, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими» йўналиши кафедраси профессори, тарих фанлари доктори Сулаймон Иноятов «Конституцияда инсон ҳуқуқлари» мавзусида маъруза қилди. Конституция тарғиботида оммавий ахборот воситаларининг ўрни низоҳатда муҳимлигига эътибор қаратди.

Конституциямизнинг 29-моддасида ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига, ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эгаллиги алоҳида таъкидланган.



йўлга қўйилгани, маданий-маърифий тадбирлар изчил ўтказиб келинаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

— Конституциямизнинг 29-моддасида ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига, ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эгаллиги алоҳида таъкидланган. Газета ва журналлар талабаларимизнинг мамлакатимиз ва дунёда бўлаётган воқеалардан кенгрок хабардор этади, ахборот олиш ҳуқуқини таъминлайди. Уларда мустақил фикр шаклланишида муҳим аҳамият касб этади, — дейди Холбой Ибраимов. — Масалан «Ўзбекистон овози» газетасида парламент фаолияти, таълим соҳасидаги ислохотлар, истеъдодли ёшлар ҳақидаги мақолаларни қизиқиш билан

Айниқса, истеъдодли ёшларимизнинг кашфиётлари, фан-таълим, санъат ва спортда эришяётган ютуқларини ёритишга алоҳида эътибор қаратилаётганини мисоллар асосида гапириб берди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасида оммавий ахборот воситалари эркинлиги кафолатлангани ва бунинг натижасида журналистлар эмин-эркин ахборот олиш ва тарқатиш имкониятига эга бўлганини таъкидлади. Учрашууда институт талабалари Ватан, Конституция мавзусида шеърлар ўқиди, кўшиқ айтишди, ёшлар одоби-га боғлиқ сахна кўринишини намойиш этишди.

Абдурасул САТТОРОВ,
Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбирлари.

Билим олиш, меҳнат қилиш, ишсизликдан ҳимояланиш ҳар биримизнинг устувор ҳуқуқимиз ҳисобланади.

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

Фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари

Адолатли ва хавфсиз шароитларда меҳнат қилиш фуқароларнинг энг муҳим инсоний, конституциявий ҳуқуқларидан биридир. Конституциямизнинг 37-моддасида «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир», деб кўрсатилган. Ушбу ҳуқуқнинг амалда таъминланиши аҳоли турмуш фаровонлигида муҳим ўрин тутди.

Меҳнат муносабатлари чоғида ёлланиб ишловчи ходимларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат кодекси, қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, корхона меъёрий ҳужжатлари, ходим билан тузилган меҳнат шартномасида ўз ифодасини топади. Мазкур ҳужжатлар асосида ходимнинг манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан зарур иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чоралар кўрилади.

Бунда, энг аввало, ходим ўз ҳуқуқлари ҳимоя этилишини иш берувчига, ходимлар вакиллик органига, давлат меҳнат ҳуқуқий инспекториға мурожаат қилиш орқали ёки бевосита судга даъво ариза-си тақдим этиш йўли билан талаб қилиш мумкинлиги тўла кафолатланганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Ходимлар учун меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатларнинг энг кам даражаси Меҳнат кодекси ҳамда унинг асосида қабул қилинган бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланиб, улар фуқароларнинг адолатли ва хавфсиз шароитларда ишлашга доир кон-



ЎЗА ОЛГАН СУРАТ.

ституциявий ҳуқуқларини тўла рўйбга чиқаришга қаратилган.

Меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш деганда, ваколатли давлат ёки жамоат органи томонидан кўрилиши лозим бўлган иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий чора-тадбирлар назарда тутилади. Меҳнат қилиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усул ва воситалари қонун ҳужжатлари билан белгиланган бўлиб, ҳуқуқларни тан олиш, шартномани ҳақиқий эмас деб топиш, ҳуқуқ бўзилиши юз бер-ришидан олдинги ҳолатни қайта тиклаш, етказилган мод-дий ва маънавий зарар ўрни-ни қоплаш, айбдорни муайян ҳаракатларни амалга ошириш-га мажбур қилиш каби кўри-нишларда бўлиши мумкин.

Меҳнат ҳуқуқлари ҳам бошқа ҳар қандай ҳуқуқлар сингари ҳимоя қилинади.

Конституциямизда фуқаро-лар ўз ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя этилишини сўраб, давлат ёки жамоат органларига, уларнинг мансабдор шахсларига ёзма

ёки оғзаки ариза, шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли эканликлари, уларнинг ариза ва шикоятлари белгиланган тартибда қабул қилиниши, кўриб чиқилиши ҳамда тегиш-ли муддат давомида ҳал эти-либ, унга ёзма жавоб бери-лиши кафолати мустаҳкамлан-ган.

Шунингдек, Бош қомуси-мизда иш жойи, касб ва маш-гулот турини танлашни тўла ка-фолатлайдиган эркин меҳнат қилиш ҳуқуқи — шахснинг энг муҳим ижтимоий ҳуқуқларидан бири сифатида белгиланган.

Ходимга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли меҳнат шартномаси бекор қилинган-да ишдан бўшатилаётган ходимга қўшимча кафолатлар берилиши фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқла-ри ва манфаатлари ҳимояла-нишига қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эгадир.

Конституциямизга муво-фиқ, фуқароларга кафолатлаб қўйилган меҳнат қилиш

ҳуқуқининг корхона ва ташки-лотларда ишга ёлланиш асо-сида амалга оширилиши хо-дим ва иш берувчи ўртасида белгиланган тартибда меҳнат шартномаси тузиш йўли билан амалга оширилади.

Меҳнат қонунчилигида ишни таълим билан қўшиб олиб бо-риш назарда тутилган бўлиб, давлат ва жамият фуқаролар-нинг илм олиши, касб ўргани-ши, ўз касбий маҳорати ҳамда малакаларини оширишларини ҳар томонлама рағбатлантира-ди, қўллаб-қувватлайди.

Умуман олганда, ҳар бир фуқаро меҳнат муносабатла-рини амалга оширишда ўзи-нинг конституциявий ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаб, унга риоя қилиши долзарб аҳа-мият касб этади.

Айимгул ЮСУПБАЕВА,
Ўзбекистон Республика-
си Адлия вазирлиги
бошқарма бошлиғи
ўринбосари.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида-
ги 327-умумтаълим мактабида замонавий
ахборот-коммуникация технологиялари
билан жиҳозланган инновацион ўқув син-
фи очилди.

ТАЪЛИМ СОҲАСИГА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

Мазкур синфнинг ташкил этилиши Ўзбеки-
стон Республикасининг Корея Республикаси бил-
ан икки давлат раҳбарлари учрашувлари чо-
ғида эришилган келишувларга мувофиқ таъ-
лим соҳасида олиб борилаётган самарали ҳам-
корликнинг мантикий давомидир. Бу борадаги
лояиха Ўзбекистон Республикаси Халқ таъли-
ми вазирлиги ва Корея Республикаси Таълим
вазирлиги ҳамкорлигида амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ва-
зирининг ўринбосари У.Аббурев, 327-мактаб
директори Д.Абдуллаева, Корея Республика-
си Таълим вазирлигининг ахборот хавфсиз-
лиги департаменти бош директори Ли Кён
Хе ва бошқалар лойиҳа таълим тизимига ах-
борот-коммуникация технологияларини кенг
жорий этиш, интерфаол ўқув усулларини ри-
вожлантиришга қаратилганини таъкидлади.

Замонавий синф — ягона тармоққа улан-
ган планшет компьютерлар, аудио ва видео
жиҳозлар, махсус мебель билан жиҳозланган
кўп функцияли аудиториядир. Бу ерга умумий
қиймати 210 минг доллардан зиёд ускуналар
ўрнатилган.

Меҳмонлар инновацион синф имкониятла-
ри намойиш этилган очик дарсда иштирок этди.
М.ҚАРШИБОВ,
ЎЗА муҳбири

■ ИЖТМОИЙ МУҲОҒАЗА

ХОТИН-ҚИЗЛАР ЭРКИНЛИКЛАРИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

■ Пойтахтимиздаги «Le grand plaza» меҳмонхонасининг маж-
лислар залида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Фуқаролар
ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази, БМТнинг Аҳоли-
ушнослик жамғармасининг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкор-
лигида мамлакатимиз аёлларининг манфаатлари, ҳуқуқ ва
эркинликларини ҳимоя қилиш мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Унда таъкидланганидек, Конститу-
циямизда хотин-қизлар ва эркаклар
тенг ҳуқуқли экани белгиланганлиги,
шу асосда қатор меъёрий-
ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаётга сама-
рали татбиқ этилаётгани аёлларнинг
фаоллиги ошишига хизмат қилмоқ-
да.

Шунингдек, мамлакатимизда БМТ-
нинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари камси-
тилишининг барча шакллари бар-
ҳам бериш тўғрисидаги, Хотин-қиз-
ларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида-
ги конвенциялари каби қатор халқ-
аро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация
қилинган. Уларда илгари сурилган
мақсад ва вазифалар ижроси таъмин-
ланаётгани натижасида хотин-қизлар-
нинг давлат ва жамият бошқарувида
иштироки кенгайиб бормоқда. Жум-
ладан, «Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»-
ги қонунга мувофиқ депутатликка ном-

зодларнинг камида 30 фоизи аёллар
бўлиши кераклиги ҳақида квота жо-
рий қилинди.

Анжуманда БМТнинг Хотин-қизлар
ҳуқуқлари камситилишининг барча
шакллари барҳам бериш тўғриси-
даги конвенцияси, Пекин декларация-
си ва Хотин-қизлар аҳолини яхши-
лаш бўйича ҳаракатлар платформаси
доирасида амалга оширилган ишлар
ҳақида атрофлича маълумот берил-
ди. Мамлакатимиз хотин-қизлари таъ-
лим, соғлиқни сақлаш, илм-фан ва
маданият соҳаларида қатта ютуқлар-
га эришяётгани алоҳида қайд этил-
ди.

Тадбир иштирокчилари хотин-қиз-
лар манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинлик-
ларини таъминлаш ишларининг сама-
радорлигини янада ошириш бораси-
да ўзаро фикр алмашишди.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

ЭКОЛОГИК ЖУРНАЛИСТИКА ТАНЛОВИ

■ Атроф-муҳит ҳолати
ва экологик муаммолар
ечимини топиш бўйича
тажрибалар ҳақидаги
ахборотни кенг тарқа-
тишда экожурналистика-
нинг ролини кучайтириш,
эколог-журналистлар
касб малакасини ошириш
мақсадида анъанавий
экожурналистика танлови
эълон қилинади.

2015 йилда мазкур танлов
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси Ахборот хизмати,
қуйи палатанинг Экология ва
атроф-муҳитни муҳофаза
қилиш масалалари кўмитаси,
Олий Мажлис ҳузуридаги
Нодавлат нотижорат
ташкилотларини ва
фуқаролик жамиятининг
бошқа институтларини
қўллаб-қувватлаш жамоат
фонди, Ўзбекистон
Республикаси Табиатни
муҳофаза қилиш давлат
кўмитаси, Ўзбекистон Касаба
уюшмалари федерацияси
кенгаши, Ўзбекистон Миллий
ахборот агентлиги,
Ўзбекистон Экологик
ҳаракати, Ўзбекистон
Журналистлари ижодий
уюшмаси, Ўзбекистон
нодавлат нотижорат
ташкилотлари миллий
ассоциацияси, Ўзбекистон
мустақил босма оммавий
ахборот воситалари ва
ахборот агентликлари
қўллаб-қувватлаш ва
ривожлантириш жамоат
фонди, Ўзбекистон нодавлат
нотижорат ташкилотлари
Экофоруми томонидан
ўтказилмоқда.

Танловга 2014 йилнинг
1 декабридан 2015 йилнинг
30 ноябрга қадар
мамлакатимизда чоп этилган
ва эфирга узатилган ижодий
ишлар тақдим этилади.

Танлов «Телевидение»,
«Радио», «Босма ОАВ»,
«Интернет» номинациялари
ҳамда «Сув — бу ҳаёт» ва
«Тоғ аёллари» махсус
номинациялари бўйича
ўтказилади.


Ўзбекистон миллий
телерадиокомпанияси,
Ўзбекистон Миллий ахборот
агентлиги, «Халқ сўзи»,
«Народное слово»,
«Жамият», «EkoHayot»
газеталари,
www.parliament.gov.uz,
www.fundngo.uz, www.eco.uz,
www.uznature.uz,
www.ngo.uz,
www.ecoforum.uz веб-
сайтлари экожурналистика
танловининг ахборот
кўмақчилари ҳисобланади.

Танловга ижодий ишлар
2015 йил 30 декабрга қадар
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
кўчаси, 59-уйда ва
info@eco.uz электрон
почтаси орқали қабул
қилинади.

Ташкилий кўмита билан
боғланиш учун телефон:
230-41-53, e-mail:
info@eco.uz

■ ХИТОЙНИНГ ШАНХАЙ ХАЛҚАРО ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ВЕБ-ПОРТАЛИДА МАЗКУР ОЛИЙҒОҲДА ЎЗБЕК ТИЛИ КАФЕДРАСИНING
ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИГА БАҒИШЛАНГАН МАҚОЛА ЧОП
ЭТИЛДИ. МАҚОЛАДА КАФЕДРАНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАН АСОСИЙ
МАҚСАД ИККИ ТОМОНЛАМА МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР АЛОҚАЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МИНТАҚАШУНОСЛИК СОҲАСИДАГИ
ТАДҚИҚОТЛАРГА КЎМАКЛАШИШ ЭКАНЛИГИ ТАЪКИДЛАНГАН.

РАЕСТУМ



■ ИТАЛИЯНИНГ ПЕСТУМ ШАҲРИДА БЎЛИБ
ЎТГАН XVIII АРХЕОЛОГИЯ САЙЁҲЛИК
КЎРГАЗМАСИДА МАМЛАКАТИМИЗ ВАКИЛЛАРИ
ИШТИРОК ЭТДИ. МАЗКУР ТАДБИР ИТАЛИЯ
МАДАНИЯТ ВА ТУРИЗМ ВАЗИРЛИГИ, ЮНЕСКО
ҲАМДА БМТ БУТУНЖАҲОН САЙЁҲЛИК
ТАШКИЛОТИ БОШЧИЛИГИДА ЎТКАЗИЛДИ.

Янгиланган классификаторнинг олдингисидан тубдан фарқ қиладиган жиҳати шундаки, унда асосий эътибор касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигига қаратилган. Янгиланган касблар ва лавозимларнинг 71 фоизини касб-хунар коллежлари битирувчилари банд этмоқда.

■ ХУДУДИЙ ИСЛОҲОТЛАР

БЎЁН, ЯЪНИ ШИРИНМИЯ ЎСИМЛИГИ ЮРТИМИЗНИНГ ДЕЯРЛИ БАРЧА ХУДУДЛАРИДА – АСОСАН АРИҚ, ЗОВУРЛАР БЎЙЛАРИДА, ШЎРХОК ТАШЛАНДИҚ МАЙДОНЛАРДА ЁВВОЙИ ҲОЛДА ЎСИШИ ҲАММАМИЗГА МАЪЛУМ.

Бўён дунё бозорига чиқарилди

Кейинги йилларда ушбу ўсимлики маданий ҳолда экиш, кўпайтириш, ундан фармацевтика саноатида кенг фойдаланиш йўлга қўйилди. «Шовот бўён» агрофирмаси бундан беш йил муқаддам Шухрат Ҳожимуродов томонидан ташкил қилинган. Шу мақсадлар учун унга туман ҳокимлиги 100



гектар ер ҳам ажратиб берди. «Микрокредит-банк» туман бўлими унга моддий мададкор бўлди. Натижада «Шовот бўён» миришкорлари етиштирган бўён илдизи, уруғи, қаламчаларига бўлган талаб йилдан-йилга ошиб бормоқда. Масалан, «Ўзфармасаноат» АК билан ҳамкорлик натижасида бўён илдизидан чой қадоқлаш йўлга қўйилди.

Биргина ўтган йили корхона Жанубий Корея вакиллари билан 300 минг АҚШ долларлик шартнома имзолади. Бундан ташқари, агрофирма маҳсулотларига Хитой, Ҳиндистон, Англия, Япония давлатларида ҳам қизиқиш катта. Фақатгина ўтган йили корхона томонидан экспортга жўнатилган маҳсулот 435 минг АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бу йилда ушбу кўрсаткич янада ошмоқда.

— Президентимизнинг 2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ривожлантириш Дастури тўғрисидаги қарорига асосан корхонамиз энг замонавий технологиялар билан жиҳозланди, ўнлаб йигит-қиз иш ўрнига эга бўлди, — дейди **корхона раҳбари Шухрат Ҳожимуродов**. — Айни пайтда ишлаб чиқарган маҳсулотимизга хорижда қизиқиш кўпайиб, йилдан-йилга янги ҳамкорлар бизни излаб келишмоқда.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

■ ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Аҳоли бандлигини таъминлаш:

янги касблар, имконият ва имтиёзлар

Бугун жаҳон ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги мураккабликлар боис, барча соҳалар каби халқаро меҳнат муносабатлари, жумладан, меҳнат бозори ҳам кескин таркибий ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотига кўра, охириги 30 йилда бутун дунёда мавжуд касбларнинг сони қарийб икки мартага кўпайган, янги йўналишлар пайдо бўлган. Шу муносабат билан муҳбиримиз сўнгги йилларда республикаимиз меҳнат бозоридagi таркибий ва сифат ўзгаришлари, янги касблар жорий этилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг Демография ва меҳнат бозори бўлими бошлиғи Зафар Шарипов билан суҳбатлашди.

— Зафар Эркинович, бугунги халқаро вазият ва давр талабидан келиб чиққан ҳолда республикаимиз иқтисодиёт тармоқларининг диверсификация қилиниши, юқори технологияли замонавий ишлаб чиқариш лойиҳаларининг амалиётга изчил жорий этилишига мос равишда бандлик соҳасидаги меъёрий ҳужжатларнинг такомиллашуви ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Дарҳақиқат, сўнгги йилларда қабул қилинган бир қатор меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар асосида кўплаб солиқ имтиёзлари яратилмоқда, янги иш ўринлари ташкил этиш, ишчиларни ёллаш ва тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш тартиб-тамоиллари енгилаштирилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, оилавий тадбиркорлик билан шугулланиш тартиби ва меъёрлари ҳамда уларга қўланиладиган имтиёзлар ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегинли фармонларига кўра, 2014 йилнинг 1 июлидан бошлаб, қурилиш материаллари саноати, енгил саноат, озиқ-овқат саноати кичик корхоналарида ходимларнинг чекланган сони йилига ўрта ҳисобда икки бараварга (200 кишига) оширилди. Жорий йилнинг 1 январидан бошлаб эса, микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан республикаимиз касб-хунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони нормативдан кўпи билан 50 фоиизга оширилган ҳолларда, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, қароллар ва ҳуқуқлар уларда сақланиб қоладиган бўлди.

Буларнинг барчаси, аввало, аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшларнинг касб-хунар ўрганиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилишини алоҳида таъкидлаш жоиз.


— Маълумки, сўнгги йилларда аҳоли, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланмоқда. Мамлакатимизда бу борада қандай солиқ имтиёзлари қўлланилмоқда?

— Аввало, айтиш керакки, мустақиллик йилларида умумий солиқ юки 3 баробардан зиёдага камайтирилиб, инвестиция қиритувчи ва янги маҳсулот турларини ўзлаштирувчиларга, экспортёр корхоналарга ҳамда кичик бизнес субъектларига давлат томонидан қўшимча имтиёзлар тақдим этилди. Хусусан, юридик шахслар учун фойда солиғи 45 фоииздан 7,5 фоиизга, жисмоний шахсларга эса даромад солиғи 60 фоииздан 23 фоиизгача, ягона ижтимоий тўлов солиғи 40 фоииздан 25 фоиизга (кичик бизнес субъектлари учун 15 фоиизга) ҳамда кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови 15,2 фоииздан 6 фоиизга (саноатда 5 фоиизга) камайтирилди.

Шу билан бирга, Солиқ кодексига мувофиқ, касб-хунар коллежлари битирувчилари коллежни тамомлагандан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоиизи миқдорида суғурта бадали ва якка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоиизи миқдорида солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчини ёллаш ҳуқуқи берилди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 1 июлидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолияти йўналишидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоиизи миқдорида суғурта бадали ва якка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоиизи миқдорида солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчини ёллаш ҳуқуқи берилди.

Шу билан бирга, якка тартибдаги тадбиркорлар касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган ҳолатда коллежни битириш куниндан бошлаб, ўн икки ой мобайнида



Ушбу олган сурат.

ёлланма ишчилар белгиланган солиқдан озод этилди. Бунинг натижасида республикаимизда ёшларни иш билан таъминлаш имкониятлари кенгаймоқда.

— Иқтисодиётимиз тармоқларини диверсификациялаш жараёнларида янги иш ўринлари яратиш, айниқса, ёшларимизни иш билан банд этиш борасида айрим мураккабликлар келиб чиқмоқда. Ҳўш, бу борада кадрлар тайёрлаш тизимида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ўтган давр мобайнида ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрлашда қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳасининг улуши 11,7 фоииздан 10,4 фоиизга, соғлиқни сақлаш 8,4 фоииздан 6,7 фоиизга, таълим йўналишида 7,3 фоииздан 6,7 фоиизга ҳамда ҳуқуқ йўналишида 0,7 фоииздан 0,4 фоиизга қисқарди. Бунга мос равишда меҳнат бозоридан талаб юқори бўлган касбларга ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрлашда қурилиш соҳасининг улуши 7,3 фоииздан 10,5 фоиизга, саноатда 20,2 фоииздан 24,8 фоиизга ҳамда хизматлар соҳасининг улуши 6,3 фоииздан 8,1 фоиизга кўпайди.

Шу билан бирга, мамлакатимиздаги Устюрт газ-кимё, Муборак газ-кимё мажмуалари, Кўнғирот сода ҳамда Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, Денгизқўл ва Памук конларида компрессор станциялари, қолаверса, Навоий, Жиззах ва Ангрэн махсус саноат зоналарида қатор йирик лойиҳаларнинг амалга оширилиши, табиийи, юқори малакали олий маълумотли кадрлар билан таъминлашни тақозо этади. Шулар ичига олиниб, 2011-2015 йилларда олий таълим тизимида техника ва муҳандислик соҳасида кадрлар тайёрлаш улуши 26,7 фоииздан 36,2 фоиизга ошди. Бунга мос равишда, олий маълумот талаб этадиган касблардан ҳисобланган иқтисодиёт соҳасининг улуши 7,9 фоииздан 5,7 фоиизга, ҳуқуқ йўналиши 1,2 фоииздан 1,0 фоиизга ҳамда педагогика йўналишининг улуши 29,6 фоииздан 24,6 фоиизга қис-

Қабул қилинган жами 8 317 касб ва лавозимларнинг 497 таси, хусусан, бозор иқтисодиётида бошқарув (менежмент) соҳасида — 96, ахборот технологиялари соҳасида — 22 ҳамда вазирлик ва идораларнинг тақлифларига мувофиқ 379 таси янгидан киритилди.

карди. Шунингдек, тайёрланган кадрларнинг ўз мутахассисликларига мос корхоналарда амалиёт ўташи ва ишлаши янада такомиллаштирилди. Бу, тармоқ ва ҳудудий корхоналарни юқори салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш имконини бермоқда.

— Бугун дунёда барча соҳалар жадал ривожланган бир пайтда мамлакатимиз меҳнат бозори қандай янги касблар билан тўлдирилди?

— Маълумки, 2015 йил 1 июлга қадар, хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги 181-сон қарори билан тасдиқланган «Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори»га асосан юритиларди. Эндиликда, Президентимизнинг «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услулари жорий этиш чора-тадқирлари тўғрисида»ги Фармони талабларини бажариш ҳамда касблар ва лавозимларни таснифлашнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, уни бозор иқтисодиёти талабларига ва халқаро амалиётга мувофиқлаштириш, янгиҳа фикрлайдиган профессионал кадрлар тайёрланишини таъминлаш мақсадида хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари бўйича янгиланган классификатор қабул қилинди.

Ушбу классификатор олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва касблар классификаторларига мослаштирилди. Қабул қилинган жами 8 317 касб ва лавозимларнинг 497 таси, хусусан, бозор иқтисодиётида бошқарув (менежмент) соҳасида — 96, ахборот технологиялари соҳасида — 22 ҳамда вазирлик ва идораларнинг тақлифларига мувофиқ 379 таси янгидан киритилди. Бошқарув соҳасида — савдо ва маркетинг масалалари бўйича бош директор ёрдамчиси, ишлаб чиқариш ва ривожлантириш масалалари бўйича бош директор ёрдамчиси, молия ва харид масалалари бўйича бош директор ёрдамчиси, бренд-менежер; ахборот технологиялари соҳасида — аниматор, ахборот ҳисоблаш тизими архитектори, саҳифаловчи, ахборот хавфсизлиги мутахассиси, ахборот ҳимояси техникаси каби касб ва лавозимлар шулар жумласидандир.

Янгиланган классификаторнинг олдингисидан тубдан фарқ қиладиган жиҳати шундаки, унда асосий эътибор касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигига қаратилган. Янгиланган касблар ва лавозимларнинг 71 фоизини касб-хунар коллежлари битирувчилари банд этмоқда. Мазкур классификаторнинг хусусиятларидан яна бири — ишчиларнинг касблари ва хизматчиларнинг лавозимлари икки гуруҳга бўлиниб, ишчилар касбларининг тариф разрядлари кўрсатилди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки, юртимизда олиб бораётган бундай кенг қамровли ислоҳотлар аҳоли бандлигини таъминлаш, замонавий иш ўринлари ташкил этиш, барқарор даромад манбаларини яратишга хизмат қилмоқда.

«Ўзбекистон овози» мухбири Обиддин МАХМУДОВ суҳбатлашди.



Қочқинларнинг бир қисми

кемаларга жойлаштирилади

Швециянинг миграция бошқармаси Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатларидан келган қочқинларни жойлаштиришга жой қолмаганлиги сабабли эндиликда уларга бўш кемалар ва платформалардан жой қилиб беришни мўлжаллаб турибди, дея хабар беради ИТАР-ТАСС.

Кема ва платформа эгалари қочқинлар учун барча қулайликларни яратиб беришлари лозим — ётоқ жойидан ташқари умумий овқатланиш хонаси, телевизорга эга меҳ-



монхона, болалар учун мўлжалланган хоналар ва интернетга кириш имкони бўлиши керак. Ҳар бир кемада 200 тадан кам жой бўлмаслиги ва уларнинг ижара шартномаси камида 6 ойлик муддатга тузилган бўлиши даркор.

Қочқинларга жой тавсия этиш учун эълон қилинган тендер танловига яқин қочқин бўлиб, 2016 йилда уларнинг сони 360 минггача етиши мумкин.

Айни пайтда 9,8 миллион кишилик аҳолига эга Швецияда 150 мингга яқин қочқин бўлиб, 2016 йилда уларнинг сони 360 минггача етиши мумкин.

«Парранда гриппи» хавфи

яна қайд этилди

Европа эпидемиологлари Франциянинг жануби-ғарбда «парранда гриппи» («H5N1») қайд этилгани ҳақида дунё жамоатчилигини огохлантирди.

Франция Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиғи баёнот беришича, ушбу вирус Дордон департаментидаги қишлоқ ҳўжалиги корхоналаридан



бирида аниқланган. Буни Франция санитария хавфсизлиги агентлиги ҳам тасдиқлади. Бундай ҳолат 2007 йилдан бери энди биринчи бор қайд этилиши. Айни пайтда хавфни бартараф этиш ва вирус тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга жорий этилди.

Умуман олганда, дунё эпидемиологларининг гапларига қараганда, «парранда гриппи» дунёда яна фаллашмиб қолган. Вируслар ёввойи қушлар танасида яшамоқда. Улар орқали эса хонаки паррандаларга юқмоқда. Эмлаш тадбирларини ўтказиш эса вирус кенг тарқалишининг олдини олади. Бироқ бу хавфни бутунлай бартараф этолмади. Кузатувлар шунини исботладики, Хитой, Индонезия ва Мисрда амалга оширилган оммавий эмлаш тадбирлари вирус штаммларини тўлиқ бартараф этолмади. Аксинча, мутантлашган «H5N2» вируси ривожланишига замин яратгани қайд этилди.

■ МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

Оёқ кийимлар

ўзимизники, хорижникидан асло кам эмас

«Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси томонидан матбуот анжумани ўтказилди.

— Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча тармоқлари, жумладан, енгил саноатни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда, — дейди **«Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси бошқаруви раиси ўринбосари Шариф Шералиев**. — Ҳозирда уюшмамиз таркибиде 65 дан ортик корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўтган даврда 300 дан ортик янги моделдаги пойабзал ва 70 турдаги чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Шу билан бирга, ушбу корхоналарда автомобиль ва темир йўл вагон-

лари учун сунъий чарм қопламалар ва бутловчи қисмлар, пойабзал фурнитураси ва тагчармлар, линолеумлар, автотомобиль тўшамалари, нефть-газ соҳаси учун изоляция плёнкалари ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, маҳаллий хомашёдан ишлаб чиқарилаётган турли хил саноатбон ва халқ истеъмоли моллари маҳаллий бозорни тўлдириш баробарида дунёнинг ўндан ортик давлатига экспорт қилинмоқда. Қолаверса, терини қайта ишлаш корхоналарининг жаҳон стандарти талабларига жавоб берадиган сифатли чарм маҳсулотлари Хитой, Покистон, Россия, Сингапур, Ҳиндистон, Жанубий Корея каби давлатларга етказиб берилмоқда.

Шунингдек, чармпойабзал соҳасини янада ривожлантириш борасида вилоят ҳокимликлари билан ҳамкорликда мавжуд корхоналарга чет эл инвесторларини жалб этиш, модернизация қилиш, янги корхоналар ташкил этиш натижасида жорий йилнинг ўтган даврида 145 лойиҳа амалга оширилиб, 220 дан зиёд ёшлар бандлиги таъминланди.

Мамлакатимиз ҳудудларида болалар ва спорт пойабзалларини кўпайтириш мақсадида бир қатор амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, Самарқанд шаҳрида 700 минг доллар қийматга эга замонавий спорт пойабзаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Амр ул Бахр» фабрикаси барпо этилди. Марғилон шаҳрида


«Гранд Кибо» хусусий корхонаси, Андижон вилоятида «Хўжабод» масъулияти чекланган жамиятида ҳам янги турдаги болалар спорт анжонлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шунингдек, жорий йилда маҳаллийлаштириш дастури доирасида яна 5 лойиҳани амалга ошириш ҳисобига импорт ўрнини босувчи 5 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Йил охирига қадар эса 2 миллиард 850 миллион сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Тадбирда соҳадаги ютуқлар билан бирга, ечимини қутаётган масалалар ва уларни ҳал этишга йўналтирилган лойиҳалар ҳусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ **ЯПОНИЯНИНГ ТОКИО ШАҲРИДА ЖОЙЛАШГАН «АКАСАКА» САНЪАТ САРОЙИДА САМАРҚАНДНИНГ «EL MEROSI» ТАРИХИЙ ЛИБОСЛАР ТЕАТРИ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ. ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАРИ ВА БЕЗАКЛАРИ НАМОЙИШ ЭТИЛГАН УШБУ ТАДБИРДА МАЗКУР МАМЛАКАТ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, ИЛМИЙ-АКАДЕМИК ДОИРАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ, МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ АРБОБЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.**



■ **ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 1 ДЕКАБРИДАН БОШЛАБ «UZREPORT TV» ТЕЛЕКАНАЛИ КЎРСАТУВЛАРИ ЯМАЛ 401 СУНЪИЙ ЙЎЛДОШИ ОРҚАЛИ ЭФИРГА УЗАТИЛА БОШЛАНДИ. ЭНДИЛИКДА СПУТНИК АНТЕННАГА ЭГА БЎЛГАН ЮРТИМИЗДАГИ ҲАР БИР ИНСОН МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИСТАЛГАН НУҚТАСИДАН ТУРИБ «UZREPORT TV» ТЕЛЕКАНАЛИ ДАСТУРЛАРИНИ ЎЗИ ХОҲЛАГАН ВАҚТДА ТОМОША ҚИЛИШ ИМКОНИГА ЭГА.**

Хар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг
39-моддаси.

Меҳр ва эътибордан равшан диллар


Мамлакатимизда аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига кўрсатилаётган ёрдам турларини кенгайтириш юзасидан кўплаб лойиҳалар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Бу борада нафақат давлат органлари, балки нодавлат ва жамоат ташкилотлари ҳам самарали фаолият юритапти. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ҳам бу борада муайян ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, мазкур фонд давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим ва тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, имконияти чекланган инсонларни қўллаб-қувватлаш бўйича қатор хайрия акциялари ташкил этиб келаётганлиги бунинг тасдиғидир.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фондида Тошкент шаҳри ва вилоятида истикомат қилувчи имконияти чекланган фуқаролар учун навбатдаги хайр-саховат акцияси ўтказилди. Тадбир доирасида уларга махсус ногиронлик аравачалари ва унинг эҳтиёт қисмлари, юриш мосламалари, қўлтиқтаёқлар ҳамда зарур дори-дармонлар топширилди. Тақдим этилган ногиронлик аравачалари ва юриш мосламалари Германиянинг «Tovarishch — Help for Children» халқаро ташкилоти, қўлтиқтаёқлар эса Корея Республикасининг «Siloam Center for the Blind» компаниясидан юборилган.

Таълим муассасамизда беш юз нафар ўғил-қиз таҳсил олади, — дейди **Тошкент шаҳар Имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-хунар коллежи директори ўринбосари Нина Тўрабоева**. — Коллежимизда таълим жараёнини замонавий стандартлар бўйича ташкил этиш учун барча шарт-шароит яратилган. Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик жисмоний имконияти чекланган ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг соғлом тенгдошлари қатори билим олиши, келгусида жамиятда ўзларининг муносиб ўрнини топишида жуда катта аҳамият касб этади. Бугунги тадбирда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди томонидан коллежимиз ўқувчилари учун икки жуфт юриш мосламаси, 10 жуфт қўлтиқтаёқ ҳамда 261 жуфт махсус пойабзал тақдим этилгани яна бир ғамхўрлик намунасидир.

Тадбирда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Самандар БОБОРАЖАБОВ,
ЎЗДЖТУ талабаси.



МАТОНАТ

«ОНАЖОН, ЎКСИМАНГ, БОЛАМ БАХТСИЗ, ДЕБ...»

Аслида ҳар бир инсон — алоҳида бир мўъжиза. Айниқса, унинг тўрт мучаси соғ бўлса. Ойнабад айвонга ўрнатилган тикув машинасида замонавий кийим-кечаклар тикаётган тўрақўрғонлик чевар тикувчи, «Хунарманд» уюшмаси аъзоси Фотима Шерматованинг тақдири кўпчиликлда, ҳусусан, соғлом бўлсада нолиб юрадиган, ношуқурчилик қиладиган баъзи одамларга сабоқ, ўрнак, ибратдир.

Ўтган йили ўриқлар фарқлиқ пайтда Ўзбекистон ХДП фаоли, Республика Маънавият тарғибот маркази Тўрақўрғон туман бўлими раҳбари Марғуба Мухиддинова кўнгирок қилди: — Вақт ажратиб Тўрақўрғонга бир келиб-кетсангиз, сизни ажойиб тикувчи, биринчи гуруҳ ногирони Фотима Шерматова билан таништирсам. Унинг ҳаётга меҳри, яшашга иштиёқи, қилаётган ишларини кўриб қойил қоласиз, — деди.

«Ногирон» сўзи қулоққа чалиниши билан кўнгилга қатор саволлар келди. Фотима ҳасратларга фарқ бўлса, у нима дейди-ю, биз нима деб жавоб берамиз? Юпанч, таскин бериш қўлимиздан келармикан? Ана шу истихоло билан айтилган манзил томон йўлга тушдик. Йўқ, уйлаган ўйимиздан, тахминларимиздан ўзимиз изза тортидик. Қаршимизда орзу-мақсадлари улкан, ниятлари покиза, қўли гул чевар, унча-мунча тўрт мучаси соғлом кишилардан-да ғайратли, кўпчиликлда намуна бўла оладиган жасоратли инсон турарди.

Маҳалламизга кириб келганимизда кўзингиз тушгандир, катта йўл қиялигида ўриқзор гуркираб турибди, — дейди у. — Болагимизда ўша



ўриқзорга бориб ўйнаш оdatимиз эди. Учинчи синфда ўқирдим. Баланд ўриқка чиқиб, дарё бўйидаги Ахси тепалиқларини томоша қилардим. Бир куни беҳосдан ўриқдан йиқилиб тушдим, дугоналарим кўриб қочиб кетишди. Хуллас, шу сабаб бўлди-ю, қаддимни қайта тиклолмадим. Аслида биз эгизак — Хусан ва Фотимамиз. Мактабда ҳам менинг ўрнимга Хусан ўқиди. Ҳозир у Ўзбекистон Миллий университетида талабаларга сабоқ беради.

Ўзбекистон Ногирон ишбилармон аёллар миллий ассоциациясининг вилоят бўлими Фотима Шерматовани ҳаётга, яшашга бўлган иштиёқини қайта ўйотди.

Мазкур нодавлат нотижорат ташкилоти имконияти чекланган ногирон аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялаш борасида кўплаб хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Фотима Шерматова ўз фаолиятини йўлга қўйиш учун ассоциацияга бизнес лойиҳасини тақдим қилиб, 6

яшашга одатландим. Айримлар жисмоний нуқсонли бор қариндош-уруғидан орланади. Менинг жигарларим асло ундай эмас. Хусан менга қунда-қун оша албатта телефон қилади. Ҳол сўрайди. Мабоодо сал зерикиброқ турганимни сезиб қолса, машинасида келиб, Тошкентга олиб кетади. Катта шаҳарнинг гўзал кўча ва хиёбонларида сайр қилдиради.

Инсон сабр-матонати ҳар қандай қийинчилик ва мушкулликни енгиб ўтишга қодир. Сабрнинг мукофоти эса узоқ куттирмайди. Фотима Шерматова мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллиги арафасида Президентимиз фармонида кўра, «Жасорат» медали билан тақдирланди. Давлатимизнинг юксак эътибори унга янгича куч-мадад бўлди.

Дарвоқе, Фотима Шерматова шевърлар ёзади. Табиат гўзалликлари, севги вафони, ҳаёт ҳикматларини қозоғга туширади.

Онажон, ўксиманг, болам бахтсиз, деб, Мен бахтсиз эмасман, бу сўз бегона. Бу юртда бахтсизман демок келмас эп, Бу юртда меҳр бор, бахт бисёр, она. Ахир кимдан камман, дилимда меҳр, Қўлимда хунарим, шоғирдларим бор. Оллоҳ юрагимга солган шахд-сеҳр, Демак, биз бахтлимиз, саодатга ёр.

Онажон, ўксиманг, болам бахтсиз, деб... Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Онажон, ўксиманг, болам бахтсиз, деб, Мен бахтсиз эмасман, бу сўз бегона. Бу юртда бахтсизман демок келмас эп, Бу юртда меҳр бор, бахт бисёр, она. Ахир кимдан камман, дилимда меҳр, Қўлимда хунарим, шоғирдларим бор. Оллоҳ юрагимга солган шахд-сеҳр, Демак, биз бахтлимиз, саодатга ёр.

Онажон, ўксиманг, болам бахтсиз, деб... Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАДБИР

Ёш истеъдодлар фестивали

Пойтахтимиздаги «Ёшлар ижод саройи»да Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Камалак» болалар ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган «Камалак юлдузлари» болалар ижодиёти фестивали якунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Фестивал мумтоз мусиқа, классика-фортепьяно, вокал, халқ қосиқлари, рақс, тасвирий ва амалий санъат, насл ва назм йўналишида ўтказилди. Тошкент шаҳар босқичи бўйича 18 нафар бола тақдирланди.

санъат, насл ва назм йўналишида ўтказилди. Тошкент шаҳар босқичи бўйича 18 нафар бола тақдирланди.

10 нафар иштирокчи Республика лауреати деб топилди.

Танловда жуда ҳаяжонландим, — дейди **Тошкент шаҳар босқичи ғолиби Мирсаид Миржалолов**. — Ҳакамлар анъанавий ижрочилик йўналиши бўйича чиқишимни юқори баҳолашди. Бундан жуда хурсандман.

Фестивал мен учун ҳаётимнинг энг қувончли дамлари бўлди, — дейди **Наср ва назм йўналишининг Республика лауреати Моҳинур**

Носирова. — Қўллаб-қувватлаш тенгдошларим билан дўстлашдим. Танловда Ватан, дўстлик мавзуларида ёзган шевърларим билан қатнашдим. Ота-онам, устозим, яқин дўстларим фестивалда ғолиб бўлишимни жуда-жуда ишташганди. Уларнинг ишончини оқлаганимдан хурсандман.

Тантанали маросим якунида ғолибларга диплом ва совғалар топширилди ҳамда болалар бадий жамоалари иштирокидаги гала концерт намойиш этилди.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Ташкилий, ҳуқуқий ёрдам экспорт маҳсулотлари кўпайишига, янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилмоқда

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Бухоро вилоят филиали томонидан жорий йилнинг январь-октябрь ойларида 185 тадбиркорлик субъектига маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Бунинг натижасида умумий қиймати 160,9 миллион АҚШ долларлик миқдорида шартномалар тузилди ва 47 маҳаллий ишлаб чиқарувчи томонидан умумий қиймати 66,2 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар ва хизматлар экспорт қилинди. Шу билан биргаликлда филиал мутахассислари 75 нафар тадбиркорга хориждан ишончли ҳамкор топишди. 23 тадбиркорлик субъектига халқаро кўргазма ва ярмаркалар, тендерларда қатнашиши ҳамда руҳсатнома ҳужжатлари, сертификат ёки лицензиялар олишида, божхона расмийлаштируви бўйича консултатив хизматлар кўрсатилишида, 63 нафар кичик бизнес ваки-

лига экспорт шартномалари тузишда бош-қош бўлишди.

Филиал ташаббуси билан Бухоро вилоят ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси билан ҳамкорликда экспортчи корхоналар ва тадбиркорлик субъектлари хатловдан ўтказилди. Ишчи гуруҳи шаҳар ва туманларда бўлиб, корхоналар фаолиятини ўрганиш ва уларга экспортни амалга оширишдаги муаммоларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатди.

Филиал мутахассислари жойларда тадбиркорлик субъектлари, экспортчи корхоналар ва ишлаб чиқарувчилар билан мунтазам равишда семинар ва учрашувлар ўтказмоқда.

Учрашувлар чоғида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти билан шуғулланувчи ишлаб чиқарувчиларга жамғарма фаолияти ва хизматлари баён этилган буклетлар тақдим этиляпти. Шунингдек, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик маҳсулотларини импорт қилиш истагини билдирган Россия, Қозоғистон, Украина ва бошқа мамлакатлар компаниялари, фирмалари ва савдо марказлари тўғрисидаги маълумотлар тўпланиб, китобча шаклида тадбиркорларга тарқатилаяпти. Филиал томонидан ташқи бозорни ўрганишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, Россиядаги «Ново груп» фирмасининг трикотаж маҳсулотларига эҳтиёжи борлиги аниқланди. Саъй-ҳаракатлар натижасида, мазкур фирма билан «Шарофат инвест текст» корхонаси ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Ҳозирда ўзаро тузилган 250 миң АҚШ доллари миқдоридаги шартномага кўра,

маҳсулотларни жўнатишга ҳозирлик қўрилмоқда.

Филиал ўтказган маркетинг натижаларига кўра, Россияда 550 тонна меваларга, Қозоғистонда 500 тонна сабзавот ва полиз экинларига, Сингапурда ойига 50 тонна доривор ўсимликларга, Японияда эса ойига 50 тонна қовун маҳсулотларига эҳтиёж борлиги аниқланди. Бу маълумотлар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва кичик бизнес вакилларига етказилди.

Қўриниб турибдики, жамғарма Бухоро вилояти филиалининг маҳаллий тадбиркорлар ва корхоналарга кўрсатаётган ташкилий ва ҳуқуқий ёрдами ишлаб чиқаришнинг ривожланишига ва янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилмоқда.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



ХИНДИСТОННИНГ НЬЮ-ДЕЛИ ШАҲРИДА ОСИЁ ФУТБОЛ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ 2015 ЙИЛГИ МАВСУМ ЯҚУНЛАРИ БЎЙИЧА ТУРЛИ НОМИНАЦИЯ ҒОЛИБЛАРИ НОМИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ. УНГА КЎРА, «ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЁШ ФУТБОЛЧИСИ» НОМИНАЦИЯСИ БЎЙИЧА СОВРИН ТОШКЕНТНИНГ «БУНЁДКОР» ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР (U-20) ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОСИ ДОСТОНБЕК ҲАМДАМОВГА ТОПШИРИЛДИ.

2015 ЙИЛ — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижроси доирасида амалга оширилган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Нуронийлар кўнглига йўл топиб

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёши улуг инсонларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларни аниқ манзилли ижтимоий ҳимоялаш, турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Дастур доирасида жамоат ташкилотининг ишонч телефони орқали 150 дан ортиқ фахрийга бепул ҳуқуқий маслаҳат берилди. Хотира ва кадрлар куни муносабати билан турли вазирлик ва идораларда меҳнат қилган 1941-1945 йиллардаги уруш фахрийларига 300 миң сўмдан пул мукофотлари топширилди.

Эҳтиёжманд ва ёлғиз кексаларга озик-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ажратиш, уй-жойларини таъмирлаш, коммунал тўловларига қўмаклашиш мақсадида 7 миллиард 750 миллион сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилди. Кам таъминланган фахрийларга қир юзи машинаси, микротўқилки печь ва бошқа электр-рўзгор жиҳозлари тўхфа этилди.

Тизимдаги 15 сихатгоҳда катта ҳажмдаги қурилиш-реконструкция ишлари бажарилди. Жорий йилнинг 1 декабригача Касаба уюшмалари федерацияси ҳамда вазирлик ва идораларга қарашли 36 санаторий-соғломлаштириш масканида қарийб 11,5 миң отахон ва онахон ўз соғлигини тиклади.

Дастур доирасида отахон ва онахонларнинг қадимий шаҳарларимиз, маданият ва маърифат масканларига саёҳатлари ташкил этилди. Давлат дастури ижроси учун Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан 73 миллиард сўм маблағ йўналтирилган кексаларга ҳурмат кўрсатиш мазкур жамоат ташкилоти фаолиятида устувор ўрин тутганини кўрсатади.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

ЭЪЛОН

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси кредиторлари ДИҚҚАТИГА!

Тўлиқ номи: «O'zbekiston paxta sanoati» уюшмаси.

Қисқартirilgan номи: «Ўзпахтасаноат» уюшмаси.

Жойлашган манзили: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Шота Руставели кўчаси, 8а-уй, СТИР: 200624705.

Рўйхатдан ўтказувчи орган: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши баёнининг 2.1 бандига асосан «Ўзпахтасаноат» уюшмасини ўрнатилган тартибда тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган (2015 йил 16 ноябрдаги баёни).

«Ўзпахтасаноат» уюшмасининг барча мажбуриятлари «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамиятига ўтказилди.


Қўшимча маълумотларни олиш учун (+99871) 120-42-07, 120-42-35 телефонлари орқали мурожаат этишингиз мумкин.

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси Тугатиш комиссияси.



«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»

акциядорлик компанияси жамоаси



Халқимизни мамлакатимиз

Конституциясининг 23 йиллик байрами билан муборакбод этади!

Она Ватанимиз мустақиллигини
мустаҳкамлашдек эзгу, шарафли
ва масъулиятли ишларингизга
муваффақиятлар тилайди.



AGROBANK

Барча юртдошларимизни Ўзбекистон
Республикаси Конституцияси қабул
қилинганлигининг 23 йиллиги билан
муборакбод этган ҳолда қуйидаги банк
хизмати таклиф қиламиз:

«Агробанк» ҳамда Click компанияси
ҳамкорлигида жорий этилган «Мобил савдо»
тизими орқали уяли телефонингиздан маҳсулот
ва хизматлар учун тўловларни содда ва тез амалга
ошириш хизматидан фойдаланинг.



mobilsavdo

sodda va tez to'lov



Мобил савдо белгиси мавжуд жойларда тўловни амалга
оширишингиз мумкин.






TOSHRANGMETZAVOD

Aziz yurtdoshlar!

“TOSHRANGMETZAVOD” AJ jamoasi sizlarni
umumxalq bayrami – Konstitutsiya kuni bilan qutlaydi!

Mustaqil davlatimiz va ozod jamiyatimizning
huquqiy poydevori bo'lgan Bosh qomusimizning 23 yilligi
munosabati bilan barchangizga tinchlik, sihat-salamatlik,
baxt-saodat va omad tilaydi. Yurtimiz asrlar osha mustaqil
va farovon davlat bo'lib yashnayversin!



«КАТТАҚЎРҒОН ЁҒ-МОЙ»

акциядорлик жамияти жамоаси:

— Қадрли ҳамюртлар, барчангизни мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинган куннинг 23 йиллиги билан табриклаймиз.

Демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида олиб бораётган ишларингизда улкан зафарлар ёр бўлсин!

«ЎЗНЕФТГАЗҚАЗИБЧИҚАРИШ»



**акциядорлик компанияси
жамоаси**

халқимизни Ўзбекистон
Республикаси Конституцияси
қабул қилинганлигининг

23 ЙИЛЛИГИ

билан муборакбод
этади!

Барчага сўхат-саломатлик,
тинчлик-омонлик тилайди!

ООО «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



ГАРАНТИЯ
1 ГОД

АВТОКРАНЫ ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ — 16 т, 25 т, 32 т, 50 т.



САМОСВАЛЫ на шасси «ISUZU»
ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ — 4,5 т или 9 т.

КРАНМАНИПУЛЯТОРЫ на шасси «ISUZU» или
«MAN», грузоподъемностью — 3 т, 5 т или 7 тонны



АВТОВЫШКИ на шасси «ISUZU» —
до 14, 18 и 22 метров.

Телефон:
(0-371) 262-97-78.
Факс: (0-371) 262-23-61,
(+99890) 187-52-05,
(+99890) 315-99-17.
www.avtokran.uz
Email: cst2008@mail.ru
Товар сертифицирован.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihiddin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1259
10402
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.40
Topshirilgan vaqti — 00.50

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Nurullo OSTONOV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



1 2 3 4 5